

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ

Н.Д.Махмудова – педагогика фанлари номзоди, Хоразм ВХТХҚТМОИ “Мактабгача бошланғич ва махсус таълим” кафедраси мудири

Резюме:

Ушбу мақолада, Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларни манзилли ижтимоий муҳофазалаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги ҳамда 2015-йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиши ҳам инсон ва унинг ҳаётига бўлган ғамхўрлик ва эътиборлар тўғрисида фикр юритилади.

Резюме:

В данной статье говорится об объявлении 2015 года в нашей Республике годом внимания и заботы о старшем поколении, о большой работе, проделанной в нашем государстве по развитию социальной области, в том числе по социальной защите пенсионеров, инвалидов и людей преклонного возраста, о человеке и внимании к его жизни.

The article is about proclamation of a year (2015) in Our Republic, the year of respectation of the eldest people, and about the actions, which happened in our country to develop the social sphere, and also for social devence and attention for pensioners, invalids and other people who need it.

Таянч тушунчалар:

Инсон ва унинг манфаатлари, оила фаровонлиги, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, ижтимоий хизматлар турлари, даволаш ва соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, барча жабҳалардаги кенг кўламли ўзгаришлар замирида инсон ва унинг манфаатлари, оилаларимиз фаровонлиги, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсишига эришишдэк эзгу мақсадлар мужассам.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 22-йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2015-йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиши¹ ҳам инсон ва унинг ҳаётига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги намунаси сифатида юртимиз тарихи зарварақларида муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур бош тамойилга асосланган «Ўзбек модели» самаралари мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат ана шу тараққиёт моделининг асосий йўналишларидан биридир. Ушбу тамойил асосида ўтган даврда мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларни манзилли ижтимоий муҳофазалаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011-йил 30-майда қабул қилинган “2011-2015-йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори шу мақсад йўлидаги хайрли ишлардандир. Мазкур қарор асосида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари янада такомиллаштирилди.

Қарорга биноан 2011-2015-йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Шунга кўра, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланиб, ижтимоий хизматлар турлари кенгайтирилди. Уларни аниқ манзилли даволаш ва соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари кучайтирилди. Нурунийларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича самарали ишлар қилинмоқда. Бундай эзгу ишларни амалга ошириш учун давлат томонидан ҳар йили катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий йўналишларда олиб борилган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳоли ялпи даромадлари 8,7 баробар ўсди. Халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Кексаларни эъзозлаш йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиши шубҳасиздир.

Булар халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуғ одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолатдир.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи .2014й. 6 декабрь.

Мамлакатимизда пиру бадавлат отахон ва онахонларимизни кадрлаш, уларга ажратилаётган пенсиялар ҳажмини муттасил ошириб бориш доимий эътиборда бўлиб келаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 13-октябрдаги “1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ва савобли ишларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Фармонга биноан 2015-йилдан бошлаб 1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштирилади.

Президентимиз Конституция байрамидаги маърузасида ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилашини, содда қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланганини алоҳида таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг фармони билан ҳар йили 9-май - Хотира ва кадрлаш куни арафасида, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг рағбатлантирилиши улар учун нафақат моддий, балки катта маънавий-руҳий мадад бўлаётир. Нуронийларимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрликка, бугунги тинч ва осуда турмушимизга шукронаси ва эртанги кунга бўлган ишончлари уларнинг дил сўзларида ўз аксини топмоқда. Ха, инсон қайси ёшда бўлмасин, аввало, ўзининг кераклигини, ён-атрофдагилар назарида эканлигини ҳис қилиб яшаса, асло қаримайди. Ҳаётдан зериккан инсон ўттизда ҳам қарий бошлайди. Гоҳида юз ёшга кирган бўлсада, дилиям танидан куч ва шижоат ёғилиб турган қарияларни кўриб, хайратим ошади. Уларнинг ҳаётга мухаббати сирини билгим келади. Инсоннинг қариш-қаримаслиги унинг қариндошларига ҳам боғлиқ деб уйлайман. Бобожонларни чиройли кийинтириб, чойхонага чиқариб юборинг ўзи тенги чоллар билан ҳангомалашсин. Набиралар тарбиясини ишониб топшинг ҳаёти ранго-ранг бўлсин. Момоларимиз эса набираларининг туйларига атаб курпалар тикишсин. Гап орасида хали чевараларига ҳам худди шундай курпалар тикиб бериши лозимлигини айтиб қуйинг. Туйларда уйнатинг, ана шунда уларда яшашга бўлган иштиёқнинг ошишини кўринг.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз таъкидлаганларидек, бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, муътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узок қилишни

Ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим².

Ҳа, фахрийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, кадрлаш ва эъзозлаш ҳар биримизнинг инсоний, фарзандлик бурчимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи .2014й. 6 декабрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи .2014й. 6 декабрь.